

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ
фанидан
ЎҚУВ ДАСТУРИ

**Олий таълимнинг 340000 – “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги
“Суғурта иши” магистратура мутахассислиги учун**

Тузувчи: доц. Ф. Бозоров

Такризчилар: доц. Х. Шеннаев,

кат. ўқ. Б. Умаров.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси фани иқтисодчи кадрларга ўз мутахассислигини чуқур билишдан ташқари, педагогик маҳорат ва янги ахборот технологиялардан фойдаланишасосларини ўргатишга хизмат қилади.

Фаннинг ўқитилишидан асосий мақсад магистратура талабаларининг иқтисодийўналишдаги олий, ўрта махсус билим юртларида иқтисодчи - педагог сифатида фаолият олиб бориш қобилиятини шакллантиришдан иборат.

Методика преподавания спецпредметов является основным из главных предметов, так как кроме изучения своей специальности магистранты должны овладеть соответствующими знаниями и навыками применения новых информационных технологий.

Основной целью изучения данного предмета является формирование у магистрантов педагогических способностей, необходимых для преподавания экономических дисциплин в высших и средних специальных учебных заведениях, обеспечение эффективной педагогической деятельности.

Annotation

Professional subject is one of the most favorite subjects in educational methods; these methods consist not only to teach professional subject but also teaching their specialization subjects and educational skills too.

The aim of teaching economists by this kind of education is to create base of pedagogical skills and efficient activity of their work during teaching in grade, middle and special institutes.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия қилинган (25 апрель 2002 йил 9 - сонли баённома)

1. СЎЗ БОШИ

Махсус фанларини ўқитиш методикаси фанини ўқитишнинг мақсади ва вазифаси

Иқтисодчи кадрлар ўз мутахассислигини чуқур билишдан ташқари мутахассислик фанларини ўқитиш асосларини билишлари, педагогик маҳорат асосларини эгаллашлари лозим.

Махсус фанларни ўқитиш методикаси фанлар доирасида таълимнинг интерактив усулларни ўргатмасдан туриб, бундай талабга жавоб берадигани иқтисодчи - педагогга тайёрлаш мумкин эмас.

Махсус фанларини ўқитиш методикаси фани бўйича магистрантларнинг билим ва кўникмаларига қўйиладиган талаблар

Магистрант “Суғурта иши”, «Ихтиёрий суғурта», “Мажбурий суғурта”, “Ўзбекистон суғурта бозори” ихтисослик фанларини ўқитиш методикаси фани бўйича қуйидагиларни билиш зарур:

- “Суғурта иши”, «Ихтиёрий суғурта», “Мажбурий суғурта”, “Ўзбекистон суғурта бозори” мутахассислиги бўйича ўқитиладиган фанларнинг асосий моҳиятини;
- махсус фанларнинг бошқа фанлар билан боғлиқлигини;
- Олий ўқув юрларида махсус фанларини ўқитиш хусусиятларини;
- ўқитиш жараёни ва унинг босқичларини;
- маъруза дарсларига тайёрланиш, уларни сифатли ўтказиш методикасини;
- семинар дарсларга тайёрланиш ва уларни самарали ташкил қилиш усулларини;
- махсус фанлар бўйича иш ўйинлари олиб бориш ва бошқа замонавий интерактив ва масофавий ўқитиш услубларида дарслар олиб бориши;
- ўқитиш ва тарбиянинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- муаммоли ўқитиш усулларини;
- магистрантларнинг билимини аниқлаш шаклларини.

Магистрантларда қуйидаги ўқув ва кўникмалар шаклланиши лозим:

- - дастур жараёнининг боришини назорат қила билиши; аудитория билан узвий алоқада бўлиб, уни бошқариш асосларни эгаллаши;
- - талабаларнинг билимини нисбийликда таҳлил қила билиши;
- - илмий иқтисодий адабиётларни мустақил ўрганиш ва бошқалар.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курси “Мутахассисликка кириш”, “Суғурта тарихи”, “Суғурта назарияси”, “Суғурта иши”, “Суғурта ҳукуки”, “Ихтиёрий суғурта”, “Мажбурий суғурта”, “Халқаро суғурта бозори”, “Ўзбекистон суғурта бозори” “Суғурта бизнеси”, “Халқаро суғурта бозори”, “Педагогика” ва бошқа фанлар билан узвий боғлиқдир.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Фанни ўқитишда қўлланиладиган янги технологияларнинг таркибий қисмлари:

- - ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- - ўқув мақсадларига эришиш;
- - режалаштирилган мақсадларга эришишни баҳолашда рейтинг тизимидан фойдаланиш методикаси.

Фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар

“Махсус фанларни ўқитиш методикаси” курси магистратуранинг 1 - курсида ўқитилади. Фан “Суғурта иши”, «Ихтиёрий суғурта», “Мажбурий суғурта”, “Ўзбекистон суғурта бозори” фанларининг асосий мавзуларини кенг қамраб олади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича ҳажми

Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларида магистратура учун бу курсга жами 40 соат ажратилган бўлиб, шундан 20 соат маъруза, 20 соати семинар машғулот, 20 соат мустақил таълим учун ажратилган мўлжалланган.

2. ФАН ДАСТУРИ

“Суғурта иши”, “Ихтиёрий суғурта”, “Мажбурий суғурта”, “Суғурта бизнеси”, “Ўзбекистон суғурта бозори” ва бошқа мутахассислик фанларидан маърузага тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси.

Маъруза – таълим жараёнининг асосий шакли сифатида.

Маъруза режасини тузиш, амалиёт материаллари йиғиш, маърузанинг таркиби ва унда қўйиладиган саволлар мазмуни. Маъруза матнига қўйиладиган талаблар. Маъруза матнларида саволлар қўйиш ва уларни ечиш усуллари. Маърузада слайдлар, жадваллар, мультимедиялар ва бошқа амалий материаллардан фойдаланиш методикаси.

Семинар машғулотларига тайёргарлик кўриш ва уни ўқитиш методикаси

Семинар машғулотларининг назарий билимларни амалий жиҳатдан мустаҳкамлашдаги роли.

Семинар машғулотининг мақсади ва вазифасини аниқлаш. Маъруза билан семинарнинг узвий боғлиқлигини, мантиқий бирлигини таъминлаш.

Семинарларга тайёрлик кўриш усуллари: адабиётлар, амалий материаллар танлаш, уларни ўрганиш, таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш усуллари. Маърузани савол - жавоблар учун тўғри тақсимлаш. Кўргазмали куруллардан фойдаланиш методикаси. Талабаларнинг семинарга тайёргарлиги, уларнинг билимини, ҳозиржавоблиги ва дарсга фаол қатнашиш даражасини баҳолаш усуллари. Семинарни олиб бориш шакллари: давра суҳбати, савол - жавоб, иш ўйинлари, баҳслашувлар, мунозаралар ва бошқалар.

«Суғурта иши» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Суғурта иши» фани бўйича маърузада ҳозирги замон ривожланган иқтисодиётида суғуртанинг ўрни ва аҳамияти; иқтисодий назорат тизимида суғуртанинг роли ва аҳамияти; суғурта ишига доир қонунларни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида амалиётда мукамал қўллаш, суғурта қилишда миқдорнинг иқтисодий маълумотларини таҳлил қилиш ва реал маълумотларга эга бўлиш, корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича хулоса ва таклифлар бериш мавзуларни ўқитиш жараёнида назарий ва амалий билимлар узвийлигига эришиш усуллари.

«Ихтиёрий суғурта» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Ихтиёрий суғурта» фани бўйича ўқитилаётган фан предметининг моҳияти ва асосий вазифалари, томорқа экинлари суғуртаси, чорва моллари суғуртаси, табиий пичанзорлар, яйловлар ва тут дарахтлари барги ҳосили суғуртаси, хорижий мамлакатларда ихтиёрий суғурта мавзуларини ўқитиш методикаси.

Суғурта органлари ва суғурталанувчилар ўртасида доимий ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлашда компьютер воситаларини қўллаш методикаси.

Суғурта муносабатлари иштирокчиларининг молиявий (бухгалтерия) ҳисоботларини таҳлил қилиш услуби.

«Мажбурий суғурта» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Мажбурий суғурта» фани бўйича мажбурий суғурта тизими ҳақида тушунча, унинг мазмуни, аҳамияти ва тамойиллари, халқаро стандартларда

суғуртанинг жорий қилиниши ва ҳисобга олишнинг хусусиятлари, мажбурий суғурталанаётган суғурта объектларига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш ва суғурта зарарини қоплашда зарар миқдорини аниқлаш, мажбурий суғурта тизимида суғурта муносабатлари натижасида шаклланган молиявий маблағлар захирасидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг оптимал шакллари мавзуларини ўқитиш усуллари усуллари.

«Ўзбекистон суғурта бозори» фани бўйича маърузалар тайёрлаш методикаси

«Ўзбекистон суғурта бозори» фани бўйича суғурта хизматини йўлга қўйишда суғурта бозорининг аҳамияти, халқаро суғурта бозори, халқаро суғурта бозори ривожланишининг асосий ўналишлари, ўзбекистон суғурта бозорининг фаолияти, инфратузилмаси ва фаолият юритиш механизми, суғурта бозоридаги халқаро ҳамкорлик, суғурта бозорига доир қонунларни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида амалиётда мукамал қўллаш, мавзуларини ўқитиш методикаси. Ўқитиш жараёнида назарий билим билан амалий билимни солиштириш усуллари.

Семинар машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Семинар машғулотлар мавзулари юзасидан магистр тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишларни бажаради ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида уларнинг бу борада бажарадиган ишларига қўйилган талабларга кўра, савол - жавобга асосланган суҳбатдан ўтадилар. Ушбу талаблар семинар машғулотлари мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича магистрантларнинг дарс жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини англатади.

Махсус фанни ўқитишда кўргазмали қуроллардан ва техника воситаларидан фойдаланиш методикаси

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуролларнинг роли ва улардан фойдаланиш усуллари. Уларни дарсга, маърузаларга тайёрлаш. Слайдлар тайёрлаш, жадвал ва схемалар тузиш ҳамда улардан фойдаланиш. Техника воситаларидан фойдаланиш методикаси.

Мустақил таълимни ташкил қилиш методикаси

Ўқув жараёнида талабаларнинг мустақил иши ва мустақил таълимнинг роли ва аҳамияти. Мустақил таълим режасини тузиш, уни тайёрлаш усуллари. Мустақил таълим мавзулари, уларнинг режаси, шакллари.

Махсус фанни ўқитиш жараёнида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш

Назоратнинг турлари: семинар машғулоти, ёзма ишлар, таянч иборалар бўйича ёзма ишлар, тестлар, мунозара, баҳслашув, синовлар. Талабаларнинг давомати, фаоллиги ва бошқа омилларни ҳисобга олиш. Жорий, оралик, якуний назорат натижаларини таҳлил қилиш методикаси.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

«Суғурта иши» фани бўйича семинар машғулоти олиб бориш методикаси

«Суғурта иши» фани бўйича турли мулкчилик шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларни молиявий хўжалик фаолиятида тутган ўрни, ҳозирги замон ривожланган иқтисодиётида, иқтисодий назорат тизимида суғуртанинг роли ва аҳамияти; суғурта ишига доир қонунларни бозор иқтисодиёти қонунлари асосида амалиётда мукамал қўллаш билиш; суғурта қилишда миқдорнинг иқтисодий маълумотларини таҳлил қилиш ва реал маълумотларга эга бўлиш усуллари; корхонанинг иқтисодий кўрсаткичлари бўйича хулоса ва таклифлар бериш йўллари мавзуларини ўтиш методикаси.

«Ихтиёрий суғурта» фани бўйича семинар машғулотига тайёргарлик кўриш методикаси

«Ихтиёрий суғурта» фани бўйича ихтиёрий суғуртага оид муносабатларнинг энг янги ахборот билан таъминланиши, тузилиши ва асосий тамойиллари, ихтиёрий суғуртанинг ҳуқуқий асослари, меҳнат қобилиятини вақтинча йўқотишни суғурталаш, ишчи ва хизматчиларни корхона маблағи ҳисобига хизмат сафари даврида бахтсиз ҳодисаларни суғурта қилиш, уй мулкнинг ихтиёрий суғуртаси, транспорт воситалари суғуртаси, юкларни суғурта қилиш, фуқороларга қарашли иморатлар суғуртаси, кредитни узмаганликлари учун қарз олувчилар жавобгарлиги суғуртаси мавзуларини ўтиш методикаси.

Суғурта органлари ва суғурталанувчилар ўртасида доимий ва тезкор ахборот алмашинувини таъминлашда компьютер воситаларини қўллаш методикаси.

«Мажбурий суғурта» фани бўйича семинар машғулоти ўтиш методикаси

«Мажбурий суғурта» фани бўйича мажбурий суғурта тизими ҳақида тушунча, унинг мазмуни, мажбурий суғурта тизимининг бюджет тизими билан боғлиқлиги ва суғурта бюджет сиёсатининг алоқадорлиги, мажбурий суғурта турлари ҳақида тушунча, мажбурий суғурта ҳодисалари ва суғурта ҳодисаларининг ҳисобини таснифлаш масалалари, суғурта зарарини қоплашда зарар миқдорини аниқлаш, мажбурий суғурта тизимида суғурта объектларини таҳлил қилиш жараёни. мавзуларини ўтиш методикаси.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИДАН Фойдаланиш МЕТОДИКАСИ

Дарс олиб бориш жараёнида кўргазмали қуроллардан фойдаланиш методикаси.

Информацион - техник воситалар:

- Интернет сайтлари
- Аудио ва видео жиҳозлар
- Мавзуга бағишланган видео кассеталар
- Кодоскоп орқали кўрсатиладиган слайдлар

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Фанни ўқитиш учун маърузага 20 соат, семинар машғулотига 20 соат, мутақил таълимга 20 соат ажратилган.

Демак, оралиқ баҳолашда энг юқори балл 14,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55% - 100% оралиғида яъни, 7,7 баллдан 14,0 баллгача тўплаши лозим. Жорий баҳолашда ҳам энг юқори балл 14,0 ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55% - 100%, яъни, 7,7 баллдан 14,0 баллгача тўплаши керак. Якуний баҳолашда эса юқори балл 12,0ни ташкил этиб, магистрант ушбу баллнинг 55% - 100%, яъни 6,6 баллдан - 12,0 баллгача тўплаши мумкин.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Адолат, 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари - Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. - Т., 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонуни. - Т.: 2002.
5. Балабанов И.Т. Занимательное страхование. - М.: Финансы и статистика, 2002.
6. Воблый К. Основы экономики страхования. –М.: Анкил, 2000.
7. Гомелл Г. Основы страхового дела. - М.: Соминтэк, 2001.
8. Зубец А.Н. Страховой маркетинг. - М.: Анкил, 2000.
9. Страховое дело. Учеб. под ред. Рейтмана. – М., 2000.
10. Страхование от А до Я. Книга для страхователя. - М.: Инфра, 2000.
11. Собиров Х. Суғурта (100 савол ва жавоб) - Т.: Меҳнат, 1998.
12. Басаков М.И. Страховое дело – М.: ПРИОР, 2002.
13. Ефимов С.Л, Лозовский Л.Ш, Райзберг Б.А, Радновский А.А. Словарь страховщика – М.: Экономика, 2000.
14. Прайффер К. Введение в перестрахование –М.: Анкил, 2000.
15. Юлдашев Р.Т. Страховой бизнес. Словарь - справочник. - М.: АНК ИН. 2000.
16. Фогельсон Ю. Введение в страхование. - М.: БЕК, 1999.
17. Шахов В.В. Страхование. - М.: Юнити, 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. “Ўзагросуғурта” ДАСК ни ташкил этиш тўғрисидаги ЎзР ВМ нинг 1997 йил 25 февраль қарори.
 2. “Кафолат” ДАСК ни ташкил этиш тўғрисидаги ЎзР ВМ нинг 1997 йил 14 март қарори.
 3. “Ўзбекинвест” экспорт - импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги ЎзР ВМ нинг 1997 йил 18 февраль қарори.
- “Ўзагросуғурта” ДАСК, Корхоналар мол - мулкани суғурталаш қоидалари, 1997 йил 27 сентябрь.